Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 19 май, пайшанба № 89 (21.693). Сотувда эркин нархда.

САМИМИЙ СУҲБАТЛАР, ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВЛАР...

ТОКИО, 17 май. РАТА — ТАСС ва ЎзА мухбирлари хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга расмий амалий ташрифи давом этмоқда. Бугунги кун ҳам қизиқарли учрашувларга бой бўлди. Ислом Каримов ва Япония Бош вазири Цутому Хата икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари ҳақидаги қўшма баёнотни имзоладилар. Унда Ўзбекистон ва Япония БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар доирасида ер юзида тинчлик ва ҳавфсизликни таъминлаш, минтақавий низоларни бартараф этиш йўлида баҳамжиҳат ҳаракат қилишни ўз зиммаларига олишлари таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришдан иккала томон ҳам манфаатдор эканлиги қайд этилган.

Ислом Каримов имзоланган ҳужжатни ўзаро ҳамкорликнинг бошланиши деб атади. Япония Бош вазири Цутому Хата эса қадим Буюк ипак йўлидан бошланган икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар янада ривожланиши ва мустаҳкамланишига умид билдирди.

Олий даражадаги Ўзбекистон — Япония музокаралари бўлиб ўтди. Шу куни Ўзбекистон Президенти Японияннинг бир қанча йирик фирма ва банклари раҳбарларини қабул қилди, журналистлар билан учрашди.

— Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги иқтисодий алоқаларни жадал суръатлар билан ривожлантириш учун етарли замин ҳозирланди, — деди Ислом Каримов. — Япон ишбилармонлари янги бозорни ўзлаштиришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндошадилар. Улар бир ярим йилдан бери Ўзбекистондаги шароитни синчковлик билан ўргандилар. Иқтисодий муносабатлар равнақи учун зарур бўлган сиёсий барқарорликка катта эътибор бердилар. Эндиликда ҳамкорлик амалий босқичга кирмоқда. Бугунги кунда Япония ҳукумат даражасида муҳим қарорлар қабул қилмоқда, мамлакатнинг йирик хусусий компаниялари республикамиз бозорини ўзлаштиришга қадам қўймоқда.

Айни пайтда Ўзбекистон Президенти Японияда Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурлар етарли эмаслигини қайд этди. Жумладан, республикада хорижий компаниялар фаолияти учун яратилган шароитлар, бу йўналишда қабул қилинган қонунлар ва ҳукумат қарорлари Японияда ҳали кўпчиликка маълум эмас. «Ваҳолонки, бизда хорижий сармоядорлар учун барча шароитлар яратилган» — деди Ислом Каримов.

(ЎзА).

Меҳнат қилиш одамнинг табиатида, қонида бор нарса. Меҳнат бу инсон ҳаётининг моҳиятини ташкил қилади. Ёш мустақил давлатимизнинг катта-кичик корхоналарида бугун янгича меҳнат интизоми шаклланмоқда. Буни Тошкент шаҳрининг «Левентуль» саноат ишлаб чиқариш концернининг тикувчилик тармоғида ҳам яққол кўришингиз мумкин.

Тикув дастгоҳи ёнида кулиб турган бу қиз корхонанинг чеварларидан бири Гулнора Исомуҳаммедова бўлади. У ҳали тикувчилик тармоғининг ёш ишчиларидан ҳисобланса-да, тайёрлаган маҳсулотлари бежиримлиги, муҳими, ҳаридоргирлиги билан мухлисларини кундан-кунга кўпайтирмоқда.

Гулнораннинг касбдошлари ҳам унинг изидан боришиб тадбиркорликка, шахсий ташаббускорликка интилмоқдалар.

Суратда:

Гулнора ИСОМУҲАММЕДОВА.

Суратқаш Қ. ЎЛМАСОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг навбатдаги X пленуми бўлиб ўтди. Унда партия ташкилотларининг республика Президенти, Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримовнинг Олий Кенгаш XV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди. Марказий Кенгаш биринчи котиби М. Расуловнинг шу ҳақдаги маърузасида Олий Кенгаш навбатдаги сессияси қабул қилган қонунларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар сиёсий-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашдаги аҳамияти таъкидланди. Маърузачи, хусусан, республика Президентининг сессияда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларнинг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришдаги дастурий аҳамияти тўғрисида тўхталиб ўтди ҳамда партиямиз ташкилотларининг бу борадаги вазифаларига тўхталди.

Пленум, шунингдек, Ўзбекистон ХДП ёшлар сиёсатининг асосий йўналишларини ҳамда партиянинг молиявий фаолиятига доир масалани кўриб чиқди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича музокараларда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби, МК аъзоси Ш. И. Шоисломов, Ўзбекистон ХДП Бухоро туман кенгаши биринчи котиби С. Т. Жўраева, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалиги вазири В. К. Михайлов, Наманган вилояти ҳокими муовини К. Раимжонов, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитаси биринчи котиби А. У. Тешабоев, Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилояти Ховос тумани Ширин шаҳар ҳудудий кенгаши партия ташкилоти котиби Д. Султонова, Ўзбекистон ХДП Қизириқ туман кенгаши биринчи котиби, МК аъзоси Э. Холиқовлар сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кенгашларининг биринчи котиблари, айрим вазирлар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитаси ҳамда вилоят қўмиталарининг биринчи котиблари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОКИО, 18 май. ЎзА ва РАТА—ТАСС мухбирлари хабар қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Японияга расмий амалий сафарининг учинчи куни Токио матбуот маркази биносида япониялик ҳамда хорижлик журналистлар билан учрашди.

— Яқин орада Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг жадал суръатлар билан ривожланиб кетишига ишончим комил,— деди Ислом Каримов оммавий ахборот воситалари вакилларининг савол ларига жавоб берар экан.— Шу кеча-кундузда имзоланган ўзбек-япон қўшма ҳужжатлари ҳамда Япония Бош вазири Цутому Хата жаноблари билан қилган музокараларимиз бу ишончимга асос бўла олади.

Ислом Каримов мамлакатларимизнинг ўзаро иқтисодий алоқалари истиқболи хусусида сўзлаб, Ўзбекистоннинг бой табиий заҳираларини ўзлаштиришда Японияннинг юксак технологиясини жорий этиш яхши самаралар беражагини қайд этди.

Маълумки, сафарнинг иккинчи куни бўлиб ўтган музокараларда мамлакатимиз Президенти билан Япония Бош вазири икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари тўғрисида қўшма баёнот имзоладилар.

Ушбу олий даражадаги учрашув чоғида Бош вазир Цутому Хата Япония Ўзбекистонга навбатдаги тиббий ёрдам сифатида 5 миллион доллар маблағ ажратганини маълум қилди. Эндиликда Токио республикамизга кўрсатаётган тиббий ёрдамнинг умумий ҳажми 15 миллион долларга етди.

Шунингдек, икки мамлакат ўртасида самолёт қатновини йўлга қўйиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Ўзбекистон Японияннинг ҳар қандай шаҳри билан ҳаво йўли орқали боғланишга ҳамда бу борадаги зарур техник масалаларни ҳал этишга тайёр, деди юртбошимиз.

(ЎзА).

МАРКАЗНИНГ ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШИ

Республика Президенти фармони билан таъсис этилган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг ташкилий йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазири Ўринбосари М. Қорабоев бошқарди. Йиғилишда республика вазирликлари ва идоралари раҳбарлари, илм-фан, адабиёт ва санъат намояндалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг раҳбар органлари сайланди ва низоми асос сифатида қабул қилинди.

Йиғилишда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев қатнашди.

(ЎзА).

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Гулистон, (вилоят мухбиридан телефон орқали). Бу ерда Сирдарё вилояти фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн бешинчи сессияси якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг сессияда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ғ. Б. Ҳасанов маъруза қилди.

Йиғилиш иштирокчилари иқтисодий ислоҳотларни авж олдириш, бу йўлдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш хусусида атрофлича фикр юритдилар. Сирдарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ж. Ҳаққулов нутқ сўзлади.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

XXI чақириқ халқ депутатлари Наманган вилоят кенгашининг ўн бешинчи сессияси бўлди. Вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев «Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Республика Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар тўғрисида» маъруза қилди.

«Вилоятда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар, уларнинг дастлабки натижалари ва келгусидаги вазифалар тўғрисида»ги масала ҳам муҳокама этилди. Бу ҳақда ҳокимнинг биринчи ўринбосари О. Бозоров маъруза қилди.

• ХДП ташаббуси

ТАРИХ—КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

Бувайдалик кекса журналист Қ. Турсунова савобли ишни бошлаганди. ХДП туман кенгаши у кишини қўллаб-қувватлади... Бюро йиғилишида «Бувайда туманин тарихини ўрганувчи комиссия» тузилди.

— Шу кунгача Бувайди, Оққўрғон, Донмобод, Алиқулов номли жамоа хўжаликлари тарихи яратилганди. Қолган олтита хўжалик ва медицина, халқ таълими каби тармоқлар ҳақида ҳам маълумотлар йиғмоқдамиз, — дейди туман кенгашининг биринчи котиби, комиссия раиси Э. Хўжаев. — Ишчи гуруҳи астойдил ишламоқда. Маълумотларни умумлаштириб, катта бир китоб шаклига келтириш ниятидамиз. Шунингдек, айрим воқеаларнинг видео тасвири ҳам жамланмоқда. Бу туманимизнинг 70 йиллик тўйига совғамиз бўлади.

Тарихни тўлиқ ва холис ёритиш бу масъулиятли иш. Қоларверса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида китоб яратиш осон эмас. Туман тарихини шакллантиришда Қ. Турсунова, фотомухбир У. Умаров, Туман «Олга» рўзномаси муҳаррири Н. Мамадалиев, туман ҳокимлигининг бўлим мудири, шоир С. Отабоевларнинг хизматлари катта бўлаяпти. Босмахона ҳаражатларини туман ҳокимлиги ўз зиммасига олди.

Ш. ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРҒОНА ТАНТАНАЛАРГА ҲОЗИР

ТОШКЕНТ-1994

Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари

23-27 май

Ўзбек ва қозоқ халқлари қадим-қадимдан бир-бири билан қондош, дўст: Ватанимизда Қозоғистон кунларининг ўтказилиши ана шу қардошликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Фарғоналиклар бу дийдорлашув байрамига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Вилоят ҳокимининг муовини Турсунали ҚУРБОНОВ билан ана шу хусусда суҳбатлашдик.

— Қозоғистон кунлари вилоятимизда улкан дўстлик байрамига айланиб кетади,— деди у.— Шу боис унга қизғин тараддуд кўрилмоқда. Вилоят ҳокими М. Исломов Қозоғистон кунларини ўтказиш ташкилий қўмитасига раҳбарлик қилаётир. Фарғона, Марғилон ва Қувасой шаҳарларидаги кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, Ўзбекистон ва Қозоғистон Давлат байроқлари, икки халқ дўстлигини акс эттирувчи лавҳалар билан безатилмоқда. Институтларда, мактабларда Қозоғистон кунларига бағишланган махсус дарс соатлари, маъруза ва суҳбатлар ўтказилаётир. Вилоят ўлкашунослик музейида, кутубхоналарда Қозоғистон кунлари олдидан кўргазмалар ташкил қилинди. Матбуот ва ойнаи жаҳонда анжуманга атаб махсус саҳифа ва кўрсатувлар тайёрланмоқда. Риштон бадиий кулолчилик буюмлари заводи ва қувасойлик чиннисозлар икки халқнинг дўстлик ришталарини акс эттирувчи эсдалик буюмлари ишлаб чиқараётир.

Вилоятга қардош юртдан келаётган меҳмонлар сафида машҳур олим ва ёзувчилар, ишбилармонлар, санъаткорлар бор. Айниқса, «Уйғур наво» дастасининг келиши фарғоналикларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

22 май куни меҳмонларни карнай-сурнай садолари билан қарши оламиз. Байрам буюк мутафаккир олим Аҳмад Фарғоний ёдгорлигига ва 94-ўзбек ўқчи бригадаси хотира мажмуига гуллар қўйиш билан бошланади. Вилоят театри биноси тантаналар марказига айланади. Бу ерда икки халқнинг ранг-баранг концерт дастурлари намойиш қилинади. Байрам бутун водий бўйлаб давом этади.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

БУХОРО МЕҲМОНЛАРГА МУНТАЗИР

Бухоро вилоятида ҳам Қозоғистон кунларини ўтказишга қизғин тайёргарлик бошланди.

Азиз меҳмонлар — қозоғистонлик санъаткорлар, ишлаб чиқариш илғорлари, маданият ва фан намояндалари Ромитан, Жондор, Пешку ва Бухоро тумани меҳнаткашлари, шунингдек, «Қизилравот» ва «Жонгелди» давлат хўжаликларида яшаётган қозоқ чорвадорлари ҳузурида меҳмон бўладилар.

Вилоят марказида жойлашган Ибн Сино номидаги маданият саройида машҳур «Гулдер» ва «Адирна» қозоқ дасталари санъатини намойиш этади.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

• Ислоҳот одимлари

Ҳамма жойда бўлгани каби наманганлик меҳнаткашлар ҳам Президентимиз И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республика Олий Кенгашининг XV сессиясида сўзлаган нутқини ўқиб-ўрганмоқдалар. Унда илгари сурилган ғоя билан яшамоқдалар. Ўз жамоаларида ана шу йўл-йўриқлар асосида иш ташкил этганлар. Келинг, яхшиси сўзни уларнинг ўзига берайлик.

ҒОЯ АМАЛИЁТ БИЛАН КУЧЛИ

ХОМ АШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА

Жамолхон СИДДИҚОВ, Наманган тумани ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати.

— Ўзбекистон Президентининг 21 январдаги тарихий Фармони билан иқтисодий ислоҳот тезлашадиган бўлди. Шу асосда қабул қилинган ҳукуматнинг икки қарори фермерларнинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлади, олдиндаги тўсиқларни бартараф этди. Айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг тўрт туридан бошқасига давлат буюртмаларининг бекор қилиниши ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш имконини берди.

«Туркатлас» қўшма корхонасида кичик сут заводи ишга туширилди. 300 киши ишлайдиган бахмал тўқиш фабрикасида қурилиш ишлари охирламоқда. Хитой билан биргаликда «Тола» ипйигирув фабрикаси қурилиши бошлаб юборилди. Йил охиригача бу корхона маҳсулот беради. Хуллас, бултур туманимизда 800 та янги иш ўринлари яратилди.

Бироқ, ишимизга сессия материалларидан келиб чиқиб баҳо берсак, бу ҳали етарли эмаслиги кўринади. Нидерландия қироллигида бўлиб, бунга яна ишонч ҳосил қилдим. Қаранг-а, беш фоиз одамлар мамлакат аҳолисини боқишгина қолмай, жаҳон мамлакатларига ўз молларини юборишяпти. Биз ҳам шу асосда Р. Турсунов номли, «Ғайрат» жамоа хўжаликларида ишни Голландия технологияси асосига кўчирдик.

НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛГАЧ...

Маҳмуджон МИРЗАБОЕВ, вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси раиси.

— Олий Кенгашнинг XV сессиясида қўшиб ёзиш, коррупция қаттиқ қораланди. Биз хўжаликлар, туман деҳқончилик саноати уюшмалари берган маълумотларни қайта таҳлил қилдик. Ҳужжатларда ҳайдалди, деб кўрсатилган йигирма минг гектар ер аслида ҳайдалмаган бўлиб чиқди. Бу ишлар шу йилнинг бошида амалга оширилди. Оқибатда ёқилғи сарф-харажатлари белгиланганидан ортиқча ишлатилган.

Вилоят бўйича ўтган йилги 45 минг гектар ерга бошоқли ғалла экилди, деб кўрсатилган маълумотнома ҳам мутахассислар томонидан ўрганилди. 608 гектар майдонга уруғ кам экилгани маълум бўлди. Бундай қўпол хатоликлар бизнинг кўз олдимизда содир этилди. Демак, айрим мансабдор шахслар ҳамон масъулиятсизлик билан ишлаяптилар. Журъатсизлик, ўзибўларчилик оқибатида бултур вилоятимизда пахта тайёрлаш режаси бажарилмай қолди. Энди ўзимизни ўнглаб олиш, ҳар бир пайкалга белгиланган ҳажмда уруғ жойлаштириш ва уларнинг парвариши юзасидан назоратни кучайтириш фурсати етди. Шунинг учун раҳбар ва бош мутахассислар аттестациядан ўтказилди. 705 мансабдор шахсдан 36 нафари лавозимига нолойиқ деб топилди, 93 нафарига бир йиллик муддатга синов берилди. Президентимиз таъкидлагандек, ҳар бир фуқаро, ҳар бир раҳбар шу давлат менга нима берди деб эмас, мен ўзим Ватанимга, эл-юртимга нима бердим, деб иш тутиш керак.

ҲАМКОРЛИК САРИ

Собитхон ТУХТАБОЕВ, вилоят саноат-савдо концерни раиси.

— Бошқа корхоналар синглари бизнинг тармоқ ходимлари ҳам металл, ёғоч-тахта, сунъий тола, бўёқли ип-газламалар танқислигига учради. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун ҳамдўстлик давлатларида савдо уйлари очиб, мол айрибошлаш орқали ишимизни давом эттиряпмиз. Шу йилнинг биринчи чорагида бир миллиард сўмликдан ортиқ хом ашё олдик. Тизимимизнинг Косонсой ҳиссадорлик жамияти томонидан Челябинск ва Новосибирск шаҳарларида очилган савдо уйлари орқали хом ашё келтирилмоқда. Натижада йилнинг ўтган биринчи чорагида маҳсулот ишлаб чиқариш 101,9 фоиз ўсди.

Сессияда ташқи инвесторларни жалб қилиш ҳақида сўз борди. Косонсой уй меҳнати ҳиссадорлик жамияти Туркиянинг «И-така» фирмаси билан қўшма корхона қуриш учун битим имзолади. Бу билан йилига 300 минг дона тери қайта ишланади. Чуст туманидаги ходимларимиз Кольчугиндаги «Россия» рангли металларни қайта ишловчи завод билан қўшма корхона ташкил қилиш учун ҳужжатларни имзолашди. «Истиқлол» ҳиссадорлик жамияти лавлагидан бир суткада тўрт тонна шакар оладиган мослама қурилишини тугатмоқда. Шунингдек, Косонсой момиқ мато тўқиш, пилла йигириш фабрикаси, Чуст қандолатчилик фабрикасининг иккинчи навбати, Косонсой чарм маҳсулотлари тикиш фабрикаси қурилишлари жадал суръатлар билан бормоқда.

Кўриниб турибдики, вилоятнинг барча жамоаларни иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш, унинг масъулиятли босқичида фаол иштирок этиш йўлидан бормоқдалар. Тўғри, бу машақкатли довонда камчиликлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Ўйлаймизки, мазкур масалалар вақт ўтган сари қадам-баҳадам ҳал этиб борилади. Ва биз Президентимиз таъкидлаган буюк мақсадларга албатта, эришамиз.

Раҳимжон ИРИСОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ЯНГИ ҚОНУНЛАРНИ ШАРҲЛАЙМИЗ

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сессияси кун тартибига янги Жиноят ва жазо кодекси ҳақидаги масала ҳам киритилган эди ва у халқ муҳокамасига тақдим этилди. Ҳозирги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 1959 йил Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан қабул қилинган. Бу кодексга Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилги Жиноят кодексининг жуда кўп нормалари киритилган эди. Бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1960 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилиб, ўша кундан то ҳозирги кунга қадар унга 350 дан ортиқ қўшимча ва ўзгартишлар киритилган.

Ўзгартишлар киритавериш натижасида Жиноят кодексида жуда кўп чалкашликлар, бир-бирига зид бўлган нормалар анчани ташкил қилиб, уларни амалда қўллашда қийинчиликлар туғилмоқда.

Амалдаги Жиноят кодекси Ўзбекистон собиқ СССР таркибидалигида қабул қилиниб, у вақтда қонун нормалари қандай бўлиши кераклиги марказдан белгиланар, ҳар бир иттифоқдош республика ўз қонунларини албатта умумиттифоқ қонунларига мос қилиб, ишлаб чиқишга мажбур эди. Ҳар бир республиканинг миллий хусусиятлари, анъаналари, одатлари мутлақ эътиборга олинмаган. СССР таркибига кирувчи барча иттифоқдош республикаларнинг қонунлари бир-биридан деярли фарқ қилмас, ҳатто иттифоқдош республиканинг қонуни умумиттифоқ қонунига зид келса, умумиттифоқ қонуни қўлланилади, деб қонунларнинг ўзига ёзиб қўйилган эди.

Энди Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлди. Давлат тузуми ўзгарди. Янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлди. Шунинг учун амалдаги Жиноят кодекси ҳозирги давр талабига жавоб бера олмай қолди.

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуришга ҳаракат қилинаётган экан, жиноят қонуни энг аввало ана шу ҳуқуқий давлатни барпо этишга хизмат қилиши керак.

Ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар, барча мансабдаги шахслар фақат қонунга асосланган ҳолда, ташкилотлар эса фақат қонун доирасида ўз фаолиятларини амалга оширадилар, қонун олдида барчанинг тенглиги таъминланиши керак. Л. М. Каганович ҳуқуқий давлат конституцияси пролетариат диктатурасига тўғри келмаслигини айтиб, уни қаттиқ танқид қилган эди. Шу сабабли ҳуқуқий давлат деган тушунча бугунги кунга қадар ғоялигича қолиб кетган эди.

Янги ишлаб чиқилган Жиноят ва жазо кодексининг лойиҳаси, амалдаги кодекслар тамоман фарқ қилади. Бу фарқ энг аввало шундаки, бу қонун мустақил давлатнинг Жиноят ва жазо тўғрисидаги қонуни бўлади. Бу қонун энди социалистик ижтимоий муносабатларни эмас, балки энг аввало инсонни ҳимоя қилишга, шакллана-ётган янги ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини таъминлашга, қонунларни тўғри бажарилишини назорат қилишга хизмат қилади. Бу кодекслар тузилиши жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Амалдаги Жиноят кодексининг умумий қисми тўрт бўлимдан (53 моддадан) иборат бўлса, янги Жиноят ва жазо кодекси лойиҳасининг умумий қисми саккиз бўлимдан (86 моддадан) иборат. Амалдаги Жиноят кодекси 257 моддани ўз ичига олган бўлса, янги кодекс лойиҳасига 291 модда таклиф қилинмоқда. Амалдаги Жиноят кодексининг махсус қисми ўн бир бобдан иборат бўлса, янги кодекснинг махсус қисми 8 бўлим ва 18 бобдан иборат тартибда ишлаб чиқилди. Янги Жиноят кодекси лойиҳасининг умумий қисмида амалдаги Жиноят кодексида бўлмаган янги бўлимлар, жумладан тиббий характердаги мажбурий чораларни қўллаш, вояга етмаганларни жавобгарлиги, жиноий жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатлар алоҳида бўлимларда берилган.

Жиноят кодекси махсус қисмининг лойиҳаси амалдаги кодекснинг махсус қисмидан жиддий фарқ қилади.

Амалдаги Жиноят кодексининг махсус қисми биринчи боби давлатга қарши жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи нормалардан иборат бўлса, лойиҳада эса шахсга қарши жиноятлар берилди. Бунда, Халқаро ҳуқуқ нормалари ва инсон омилининг ҳар нарсадан юқори туриши ҳисобга олинди. Амалдаги Жиноят кодексида давлатга қарши жиноятлар икки гуруҳга бўлинган эди, яъни давлатга қарши алоҳида жиноятлар ва давлатга қарши бошқа жиноятлар, таклиф қилинаётган лойиҳада эса давлатга қарши жиноятлар қўшиб юборилди.

Жиноят кодексида мулк социалистик ва фуқаролар мулкига ажратилган бўлиб, социалистик мулкка қарши жиноятлар учун жавобгарлик кўпроқ белгиланган эди. Ҳозирги кунда республикамизда мулкнинг тўққизта тури мавжуддир. Мулкнинг ҳар бир тури учун алоҳида-алоҳида жиноий жавобгарликни белгилаш мумкин эмас. Шунинг учун янги Жиноят кодексининг лойиҳасида барча шаклдаги мулкларга қарши жиноятлар учун битта бобда жиноий жавобгарликни белгилаш кўзда тутилмоқда ва мулклар қандай шаклда эканлигидан қатъий назар қонун томонидан бир хилда қўриқланади.

Булардан ташқари янги Жиноят ва жазо кодекси лойиҳасида алоҳида атамаларнинг ҳуқуқий мазмунини очиб берувчи ҳуқуқий атамалар боби ҳам берилиб, унда атамаларнинг мазмуни берилган.

Ишчи комиссиясига ишчилар, жамоат вакиллари, хизматчилар, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ва меҳнат жамоаларидан 665 та таклиф ва тавсиялар келиб тушди, улар лойиҳанинг бўлимлари, бобларига ва моддаларига бўйича тақсимланиб, ишчи гуруҳининг йиғилишларида чуқур таҳлил қилиб чиқилди. Хатларни ўрганиш шуни кўрсатадики, қонун лойиҳасидаги кўпгина моддалар танқидий таҳлил қилинган. Аммо энг кўп тақризлар (фикрлар) жазо тўғрисидаги бўлим ҳақида, хусусан озодликдан маҳрум этиш ва олий жазо чораси, шахсга қарши, иқтисодий жиноятлар ҳақидаги моддаларга, шунингдек, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод этиш, вояга етмаганларни жавобгарликка тортишнинг ўзига хос хусусиятлари, гиёҳвандлик билан боғлиқ ва бошқа жиноятларга нисбатан билдирилган.

Бу масалада дастлабки хулосалар қандай? Шуни айтмоқчимизки, бу ерда гап ишчи гуруҳида туғилган фикрлар тўғрисида эмас, балки республикамизда ўтказилган муҳокама натижасида бизга келиб тушган ва ишчи гуруҳи маъқуллаган таклифлар ҳақида боради.

Масалан, биз чеклаган ақлирасолик ҳақидаги моддани лойиҳада тиклаш заруррлиги тўғрисидаги фикрни қўллаб-қувватладик. Бу ҳолга турли руҳий касалликлар билан хасталанган ёки руҳиятида маълум камчилиги бўлган шахсларнинг жавобгарлиги ва уларга жазо тайинлаш масаласини ҳал қилишда эътибор бериш зарурдир. Шунингдек, улар жазони ўташ вақтида зарур бўлган даволаниш курсини қабул қилишлари мумкин. (18 м. 5-қисм). Бизнингча, масаланинг бундай ҳал қилиниши Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонуларининг инсонпарварлигидан далолат беради.

Фикримизча, жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга шахсий мулкни ҳам киритиш ҳақида тўғри таклиф берилган. Шахсни алоҳида хавфли рецидивист, деб топиш масаласини ҳал этишда бекор қилинган ёки олиб ташланган судланганликни ҳисобга олмаслик ҳақидаги мулоҳазалар ҳам эътиборга моликдир. Бошқа таклиф ва мулоҳазалар ҳам ҳисобга олинди. Шу билан бирга, ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар рўйхатини кенгайтириш зарурлиги ҳақидаги таклифлар қўллаб-қуватланмади. Таклифни қабул қилиш учун жуда қатъий асослар бўлиши лозим. Берилган таклифларда бундай асосларнинг йўқлиги сабабли, комиссия аъзолари бу таклифларни қабул қилмадилар. Бошқа баъзи фикрлар ҳам қабул қилинмади.

Энди жазо ва уни тайинлашга тўхталадиган бўлсак жазо тизими — бу қонун билан белгиланган асосда, оғирлик даражасига қараб, маълум тартибда жойлаштирилган жазолар рўйхати бўлиб, суд томонидан Жиноят ва жазо кодекси махсус қисми моддаларининг санкциясига мувофиқ қўлланилади.

Кодекс лойиҳасидаги жазо тизимига амалдаги қонундан фарқли ўлароқ, сургун ва бадарға каби жазо турлари киритилмаган. Шунингдек, жамоат иззаси, эгаллаб турган вазифасидан бўшатиш каби жазо чоралари ҳам йўқ. Бу чоралар амалдаги кодексимизда мавжуд бўлиб, уларнинг тарбиявий ва жиноятнинг олдини олишдаги аҳамияти жуда самарасиз бўлди. Кодекс лойиҳасига эса қамоқ ва хизмат бўйича чеклаш каби янги жазо турлари киритилди. Қамоқ озодликдан маҳрум этишдан муддати ва жазони ўташ шарт-шароитлари билан фарқ қилади. Бу жазо тури қўлланилганида шахс жамиятдан ажратилади ва у бир ойдан олти ойгача муддатга тайинланиши мумкин.

Бу жазо турини ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Амалдаги Жиноят кодексида жами 30 жиноят учун ўлим жазоси тайинланиши мумкинлиги кўзда тутилган. Собиқ Совет иттифоқида 1990 йили ўлим жазосига 446 одам ҳукм қилинган. Жиноят кодексида кўрсатилган айбни оғирлаштирадиган ҳолатларда одам ўлдирганлик учун 420 та (94 фоиз), милиция ходиминнинг ҳаётига қасд қилганлик учун 7 та (1,6 фоиз), вояга етмаганларнинг номусига тажовуз қилганлик учун 6 та (1,31 фоиз), бандитизм жинояти учун 12 та (2,7 фоиз) ва бошқа жиноятлар учун 1 та (0,4 фоиз) айбдорлар ўлим жазосига ҳукм қилинган.

Бизнинг давлатимизда ҳозир ўлим жазосини бекор қилиш мумкинми? Фикримизча, айнан ҳозирги вақтда мумкин эмас. Ўта хавфли жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланиши керак (Чикатилло, Джумагалиев). Бизда махсус суралган кишиларнинг 90 фоизи ўлим жазосини қолдириш тарафдори бўлган.

Янги кодексга биноан 8 турдаги алоҳида оғир жиноятлар учун ўлим жазоси тайинланиши мумкин. Ўлим жазоси тараққий этган кўпчилик давлатларда ҳам қўлланилади. АҚШнинг 50 та штатидан 28 тасида ҳам ўлим жазоси қўлланилади.

Республикамизда ўлим жазоси ўрнига умрбод қамоқ жазосини қўллаш лозим, деган фикрлар ҳам билдирилди. Бу фикрлар ҳозирги кунда суднинг хатоси билан айбсиз шахсни ҳаётдан маҳрум этиш мумкин деган мулоҳазалар бўлди. Бизнингча, бундай нуқтаи назар баҳслидир. Умрбод қамоқ жазоси — бу жиноятчи бутун ҳаётини озодликдан маҳрум этиш муассасаларида ўтказади деган гапдир. Шундай савол туғилади: Бу жазони қўллаш инсонпарварликданми? Уни амалда татбиқ этиб, давлат қандай мақсадларга эришади? Фикримизча, бундай жазони тузатиш ва қайта тарбиялаш воситаси, деб айтиш тўғри эмас.

Амалдаги Жиноят кодекси махсус қисм нормаларининг 40 фоизи санкциясида фақат озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган, яна 40 фоизида озодликдан маҳрум қилиш муқобил жазо тарзида бошқа жазо билан бирга берилган, 4 фоиз моддаларда ўлим жазоси — отиб ўлдириш билан бирга озодликдан маҳрум қилиш жазоси муқобил тарзда кўзда тутилган.

Эълон қилинган маълумотларга кўра, республикамизда жиноий жазога ҳукм қилинаётганларнинг 30—33 фоизи жазони озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида ўтамоқдалар. Айнан ана шундай шахсларнинг деярли ҳар учтадан биттаси жазони ўтаб чиққанларидан кейин янги жиноят содир қилмоқда.

Лойиҳада бу жазо турининг энг кўп моддаси амалдаги қонунга нисбатан ўзгартирилди. Жуда оғир жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этишнинг муддати 20 йилгача этиб белгиланди. Шу билан бирга, ҳукм чиқарилганидан кейин, аммо жазо муддатини ўтаб бўлмасдан, маҳбус қайтадан янги жиноят содир этса, 25 йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллаш ҳам мумкин бўлади.

Озодликдан маҳрум қилишни ҳар қандай жиноят учун тайинлайвериш ижобий натижаларга олиб келмаслигини кўп йиллик тажриба кўрсатмоқда. 1960 йилдан 1990 йилгача собиқ СССРдаги 1057 ахлоқ тузатиш — меҳнат колониясида 35 миллион киши жазони ўтаб чиққан. Шунинг учун Жиноят ва жазо кодексининг лойиҳасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўрсатилган моддалар камайтирилиб, ўрнига бошқа жазоларни қўллаш кўзда тутилган.

Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда иқтисодий ҳуқуқбузарликлар туфайли жамиятга кўпроқ зарар етказилиши маълум. Шу сабабли иқтисодий жиноятлар бўлимида, жарима жазосини кенг қўллаш назарда тутилган, Инфляция туфайли жаримани пул ҳисобидаги қатъий миқдорини белгилашдан воз кечилди. Жаримани Ўзбекистонда қонун билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига нисбатан белгилаш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Суд амалиётини ўрганиш жариманинг тузатиш ва қайта тарбиялашдаги самарадорлиги анча юқори эканлигини кўрсатди. Жарима солинганидан сўнг қайта жиноят содир этиш рецидив ҳаммаси бўлиб, 2,5 фоизни ташкил этган.

Ҳозирги кунда уюшган жиноятчилик ҳақида кўп гапирилмоқда. Лойиҳада бир гуруҳ шахслар томонидан аввалдан тил бириктириб ва уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлар учун қаттиқ жавобгарлик белгиланган. «Уюшган гуруҳ» ва «аввалдан тил бириктириб жиноят содир этган гуруҳ» тушунчаларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, уюшган гуруҳ барқарор, турғун ва мустаҳкам бўлиб, унинг мақсади бир неча бор жиноят содир этишга йўналтирилган бўлади.

Уюшган гуруҳ жиноят содир этишга ҳар томонлама тайёргарлик кўриши, иштирокчиларнинг ҳар бирига ролларининг тақсимланганлиги, техник воситалар билан таъминланганлиги билан оддий гуруҳдан фарқ қилади. Шунингдек, жуда атрофлича, узоқ вақт давомида алоҳида катта бир жиноятни содир этиш учун тайёргарлик қилиш ҳоллари ҳам учрайди.

Аввалдан тил бириктирилган гуруҳда эса, қасд бирданига вужудга келади, узоқ вақт тайёргарлик кўрилмайди ва роллар тақсимланган бўлмайди ва гуруҳнинг барча иштирокчилари жиноятни биргаликда бажарадилар.

Шуларни эътиборга олиб, Жиноят ва жазо кодекси лойиҳасида уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик жуда кучайтирилган.

Амалдаги кодексимиз нормаларини классификация қилиш шуни кўрсатадики, жуда оғир жиноятлар — 13,3 фоиз, оғир жиноятлар 20,7 фоиз, унча оғир бўлмаган жиноятлар — 29,6 фоиз ва ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмаган жиноятлар эса 35,4 фоизни ташкил этади. Бу маълумотлар ЖКнинг унчалик аҳамиятга эга бўлмаган жиноятлар билан тўлдирилганлигини ва лойиҳада амалга оширилган декриминализация «жиноят» деб аталадиган ҳаракатлар сонини камайтириш тўғри эканлиги ҳақидаги хулосага олиб келади.

Кейинги йилларда алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарлаш (таксикомания) касалига йўлиққан шахсларнинг жиноят содир қилишлари кўпайди. Қонунда улар содир қилган жиноятлари учун жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, жиноий жазо тайинлаш билан бирга тиббий характердаги мажбурий чоралар ҳам қўлланиши керак.

Янги Жиноят кодексининг лойиҳасида қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини истисно қиладиган ҳолатлар доираси анча кенгайтирилди. Булар: зарурий мудофаа охирги зарурат, жиноятчини ушлаб туриш, хўжалик ёки хизмат таваккалчилиги, жиноят қилишдан ихтиёрий воз кечиш ва бошқалар.

Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги масаласида эса шуни айтиш мумкинки, Жиноят кодексининг нормаларида уларга нисбатан жазо тайинлашнинг алоҳида тартиби белгиланган. Вояга етмаганлар учун ахлоқ тузатиш муассасаларида ўтиладиган, қайта тарбиялашга хизмат қиладиган жазо турлари қўлланилади. Шунингдек, тарбиявий характердаги мажбурий чоралар фақат вояга етмаган вақтда жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланади. Жиноят кодексининг жазода кўзда тутилган барча жазо турларини ҳам вояга етмаганларга қўлланиши мумкин эмас. Вояга етмаганларга нисбатан тайинланиши мумкин бўлган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилдан ошмаслиги керак ва улар бу жазони тарбия меҳнат колониясида ўтайдилар.

Аҳолининг маълум қисми кишиларни жиноят қилишдан асраш учун жазо чоралари янада қаттиқроқ бўлиши керак деган фикрни билдирмоқдалар. Биз бу фикрга қўшилмаймиз.

Социалистик мулкни ҳимоя қилишга қаратилган 1947 йилдаги фармонларни эслайлик. Ўша вақтда одамларни буғдой бошоқларини машоқ қилганлиги учун ҳам қамаганлар. Масалан, қишлоқдан ўтиб кетаётган ҳарбий кишидан бир қоп сули сотиб олган колхозчи отилганлиги ҳақида ҳолатни эслаш кифоядир. Урушдан олдин ишга кеч қолганлар суд томонидан жавобгарликка тортилган. Ўша вақтдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига қонуннинг оқиллиги ва адолатлилиги ҳақида гапириш бефойда эди. Монтескье XVIII аср-даёқ ўзининг «Қонунлар руҳи ҳақида»ги машҳур китобида қаттиқ жазоларнинг зарарлигини исботлаб, ҳақиқатни очишга ҳеч қандай ёрдам бермайдиган кераксиз бешафқатлилик сифатида қийноқни бекор қилишликнинг зарурлигига тўхталиб ўтади.

Лойиҳада оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилган, бу тушунарли ҳол. Биз жамоатчиликнинг фикрига қарши бора олмаймиз.

Янги қонун лойиҳаси қабул қилинса, жазони ўтаётган айрим маҳкумларга нисбатан енгиллик бўлади.

Қонун лойиҳасининг 13-моддаси иккинчи ва учинчи қисмида муҳим инсоний принцип (тамойил) — қилмишнинг жиноят эканлигини бекор қилувчи, жазони енгиллаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга дейилган. Қилмишни жиноят деб белгиловчи, жазони кучайтирувчи ёки бошқа тарафдан шахснинг аҳволини оғирлаштирувчи қонун орқага қайтиш кучига эга эмасдир.

Биз янги ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Маълумки ҳар қандай ҳуқуқий давлат қонунга қурматдан бошланади. Қонунга ҳурмат эса энг аввало ҳуқуқбузарлик учун қонунга асосан жавобгарликда намоён бўлади, қонунбузаргa нисбатан аниқ, шахсий жавобгарлик белгиланиши зарур. Жавобгарликни ҳис этмаслик ёмон йўлга киришга ва навбатдаги қонунбузарликка олиб келади. Маълумки, ҳуқуқий давлат ғояси жамиятда қонун устивор бўлишидан, қонун ва фақат қонунгина сўзсиз бажарилишидан иборатдир. Ҳар қандай ҳаётни гуманизациялаштириш ва демократик жараёнларни амалга ошириш жиноятчиликка қарши аёвсиз кураш билан биргаликда олиб борилиши лозим.

Фикримизча, республикамизнинг янги Жиноят ва жазо кодекси қабул қилинса, жиноятчиликка қарши кураш янада кескинлашади. Халқимизнинг тинчлигини, фаровонлигини ҳимоя қилиш йўлида муҳим қадам қўйилади.

Мирзаулуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари, иккинчи тоифали Давлат адлия маслаҳатчиси.
Йўлдош КАРАКЕТОВ,
Жиноят ва жазо кодексини тайёрлаш бўйича мувофиқлаштириш кенгашининг раиси, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент.

ХДП ҲАЁТИДАН

ҲОКИМ ҲУЗУРИДА ДИЛ СУҲБАТИ

Жиззах вилоятн ҳокими Алишер Тошкенбоев Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари котиблари билан учрашиб, дил суҳбати ўтказди.

Суҳбат мавзуси асосан Президентимиз И. А. Каримовнинг республика Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқи мазмуни, юртимиз раҳбариятининг халқ турмуш фаровонлигини ошириш йўлидаги тинимсиз саъй-ҳаракатлари, партиянинг ошиб бораётган обрў-эътибори ҳақида бўлди.

Вилоят ҳокими партия ташкилотларининг ташаббускорлигини янада ошириш, партия аъзолари фаоллигини кучайтириш, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари бажарилишини таъминлашда ҳамкорликни тобора яхшилаш борасида қимматли таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлади.

Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Гуландом Субҳонова вилоят ҳокими, ҳокимликнинг бошқа раҳбарлари партия мавқеини мустаҳкамлаш ва нуфузини ошириш йўлида ғамхўрлик қилиб, қўллаб-қувватлаб келаётганини алоҳида таъкидлади.

ХДП Жиззах шаҳар кенгашининг биринчи котиби Маматқул Иномов, Ғаллаорол туман кенгаши биринчи котиби Хонтўра Абдуллаев, Фориш туман кенгаши биринчи котиби Равшан Тўйчиев ва бошқалар партия ташкилотларининг шу кунлардаги фаолияти, унинг сафларини ўстиришда қабул қилинувчиларнинг ишчанлик, ташаббускорлик, жонкуярлик фазилатларига эътибор берилаётгани ҳамда партия аъзоларининг раҳбарлик лавозимларига тавсия этилишида маҳаллий ҳокимлик раҳбарлари билан доимий ҳамфикрликка эришилаётгани ҳақида қониқиш изҳор этдилар.

К. ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҚЎНГИЛЛАРИ ТОҒДАЙ КЎТАРИЛДИ

Уларни айблашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Аксинча... Улар ўша пайтда ҳам ўз ишига садоқат ва масъулият билан ёндашишган, ҳозир ҳам шундай.

Марғилон шаҳар партия кенгаши кекса фирқа аъзоларидан ўн нафарига эллик минг сўмдан пул мукофоти ажратди. Бозор иқтисодиёти шароитида бу маблағ уларга мадад, лекин гап бунда эмас. Бизни ҳам эслашар экан-да, дея уларнинг кўнгли тоғдай кўтарилди. Энди улар қисиниб-қимтиниб эмас, балки ғурур билан «Мен ХДП сафидаман», деяптилар.

— Бу тадбирнинг катта тарбиявий аҳамияти ҳам бор. ХДП сафига янги аъзо бўлиб кираётган ёшлар кексаларга қандай муносабатда бўлаётганимизга қараб ҳам партиямизга меҳрлари ортади,— дейди биринчи котиб Муҳаммадали Исоқов.

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, тарихий-бадиий ва миллий журнали **«Мулоқот»**нинг шу йилги май—июнь ойлари сони босмадан чиқди. Журнал, йирик сиймолар билан жамиятнинг, кўпчилик билан шахснинг ҳамжиҳатлигига, бирлигига эришиш ва бу билан юрт фаровонлигини ошириш борасида баҳс юритувчи, таниқли олим Абдулла Абдунабиевнинг «Тарих ва шахс» деб номланган мақоласи билан очилади.

Журнал ўзининг илк сонлариданоқ янгича жамиятимиз мафкурасини яратиш борасидаги фикр-мулоҳазаларни кенг таргиб қилиб келмоқда. Мазкур сондаги «Миллий истиқлол мафкураси» рукнида фалсафа фанлари доктори Назар Ҳакимов ўзининг «Мафкурасиз жамият бўлмайди» сарлавҳали мақоласи билан иштирок этган. Ушбу сондаги Баҳодир Иминовнинг «Манфаатлар — ижтимоиёт инъикоси» ва тадқиқотчи Равшан Норқуловнинг «Янгича хўжалик учун янгича муносабат» мақолалари — инсон ўзини ижобий жиҳатдан тўла намоён этиши учун маънавий, ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш ҳақида бўлиб ундан илгариги мақолаларда баён этилган фикр ва ғояларни мазмунан тўлдиради ва бойитади.

«Мустақиллигимиз фидойилари» рукнида миллий мафкурамиз учун курашган маърифатпарварлар ҳақида мунтазам қизиқарли мақолалар эълон қилиб борилмоқда. Мазкур сонда муштарийлар бу рукндаги Солижон Иброҳимовнинг «Фитрат ва жадидчилик» ҳамда Раҳим Муқимовнинг «Ҳожи Муин ким эди?» мақолалари билан танишадилар. Ўқувчилар илгариги сонда эълон қилинган, атоқли олим Бўрибой Аҳмедовнинг «Амир Темурнинг давлатни идора қилиш сиёсати» ва Шоди Каримовнинг «Пантуркизм нима?» мақолаларининг сўнгги қисмларини ўқийдилар.

Журналнинг «Қадрият» рукнида босилган Иброҳим Хўжамуродовнинг мақоласида турмуш тарзимизга, кишиларимиз онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган Ислом динининг миллий маданиятимизга таъсири ҳақида сўз боради. Янги сонда ўқувчилар Туркистоннинг буюк мутасаввуфларидан Занги ота силсиласи билан танишадилар. Таниқли олим Ориф Усмоннинг бу мақоласига Занги ота шажараси ҳам илова қилинган.

Қадимги римлик олимлардан бири «Нур шарқдандур» деган иборани қўллаган. Худди шу ибора билан номланган Дилором Салоҳиддинованинг мақоласи Шарққа хос донишмандлик ва барқарор анъаналар ҳақида ғоят қизиқарли маълумотлар беради.

Ўтмишдаги подшоҳларимиздан бири—Султон Маҳмуд Ғазнавийга Араб ҳалифаси «Ямин уд-давла ва тожулмилла» деган унвон ёрлиги ва нишонлар юборган. Шу адолатпеша ҳукмдор ҳақида адиб Маҳкам Маҳмуд Андижоний бадиа-роман яратди. Журналнинг янги сонида шу асардан парча босилган.

• Ишбилармон ва

«КИМ САВДОСИГА

Ўзбекистон Рсспубликаси давлат қўллаб-қувватлаш қўмитасининг 24 май куни Андижонда биринчи марта

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ

КИМ ОШДИ САВДОСИДА

Ким ошди савдосида давлатга тегишли бўлмаган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (фуқаролиги ва миллатидан қатъи назар) қатнашишлари мумкин.

Савдо қатнашчилари (харидорлар) Андижон шаҳрида ўтказиладиган ким ошди савдоси ҳайъатига қуйидагиларни тақдим қиладилар:

— белгиланган тартибда ариза;

— давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Андижон вилоят бошқармасининг махсус ҳисобига объект дастлабки баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги пул гаров қилиб ўтказилганлиги тўғрисида банк маълумотномаси, маблағ Андижон вилояти давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармасининг Андижон шаҳар ҳиссадорлик тижорат саноат-қурилиш банки Бобур бўлинмасидаги ким ошди савдоси 000142161 МФО 170318318 махсус ҳисоб рақамига ўтказилади.

Ким ошди савдосига киритилган шахсларга иштирокчиларнинг тартиб рақами ёзилган билет берилади ва улар шу рақам остида савдода иштирок этадилар. Бундан ташқари сотувга қўйилган мулк ва савдони ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилади.

Сотиб олинган объектнинг қиймати ким ошди баҳосига қараб бирданига ёки 3 йилгача бўлган вақт давомида тўланиши мумкин.

Объект сотиб олинган тақдирда уни сотиб олиш учун сарфланган маблағ декларацияси талаб қилинмайди ва унга тўланган гаров пули объектнинг умумий тўлов қийматига қўшилади.

Ким ошди савдосида иштирок этиш учун аризалар ҳар куни (якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Андижон шаҳри, Навоий шоҳкўчаси, 126-уй, 715-хона, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг Андижон вилоят бошқармаси.

Аризаларни қабул қилинадиган охирги кун — 1994 йил 21 май.

Маълумотлар учун телефонлар: 5-25-67, 5-04-74, 5-29-33.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҲАВОЛА ЭТИЛАДИ:

1. ТУГАЛЛАНМАГАН БИНО

1. ТУГАЛЛАНМАГАН БИНО

Андижон шаҳар, К. Яшин кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган бу икки қаватли бино тўла пишиқ ғиштдан бунёд этилмоқда. Бино қурилиши 1983 йилда бошланган.



ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 208,2 МЛН. СЎМ-КУПОН

2. МЕҲМОНХОНА

Хўжаобод тумани коммунал фойдаланиш бошқармасига қарашли мазкур меҳмонхона икки қаватли бўлиб, туман марказидаги ҳушманзара салқин ерда жойлашган, замонавий усулда қурилган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 20 МЛН. СЎМ-КУПОН

3. ЧОЙХОНА (НОВВОЙХОНАСИ БИЛАН)

Хўжаобод туман С. Раҳимов номли жамоа хўжалигининг «Дўстлик» қишлоғидаги мазкур чойхона бир қаватли, devori пишиқ ғиштдан тиклинган, ер майдони 215 квадрат метр, атрофида соябон дарахтлар мавжуд, Андижон — Ўш катта магистрал йўли бўйида жойлашган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 1 МЛН. СЎМ-КУПОН

4. «ЯМБОЛ» РЕСТОРАНИ (ЧОЙХОНАСИ БИЛАН)



Асака шаҳрининг Фарғона кўчасидаги мазкур бино бир қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган, умумий майдони 3565 квадрат метр, бино майдони эса 1303 квадрат метрдир. Ресторан замонавий электр асбоблари билан жиҳозланган, кўркам.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 132 МЛН. СЎМ-КУПОН

тадбиркорлар диққатига!

О Ш Д И» МАРҲАМАТ!

мулкини бошқариш ва тадбиркорликни Андижон вилоят бошқармаси 1994 йил кўчмас мулкларнинг

Ў Т К А З А Д И

ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ:

5. «БЎСТОН» РЕСТОРАНИ



Бўз тумани марказидаги бу тамаддихона 140 ўринли, умумий майдони 4680 квадрат метр, бино эгаллаб турган майдон эса 2670 квадрат метр, атрофи гулзор, ҳушманзара дарахтлар бор. Андижон-Тошкент катта магистрал йўли бўйида жойлашган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 80 МЛН. СЎМ-КУПОН

6. «ЁШЛИК» ҚАҲВАХОНАСИ



Қўрғонтепа тумани марказидаги мазкур кўркам объект бир қаватли, замонавий услубда пишиқ ғишт, бетон, темир каркаслардан фойдаланган ҳолда тикланган. Иккита хонаси ва зали бор. Умумий ер майдони 1824 квадрат метр, Андижон-Хонобод-Ойим магистрал йўли бўйида жойлашган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 86 МЛН. СЎМ-КУПОН

7. «МУСАТҚИЛЛИК» ҚАҲВАХОНАСИ



Шаҳрихон тумани марказида жойлашган, 1977 йилда ишга туширилган, бино бир қаватли, девори пишиқ ғиштдан тикланган, газлаштирилган. 72 ўринли катта ва кичик заллардан ҳамда салқин таомлар, қандолат цехлари, маҳсулотлар сақланадиган омборхона, умуман, шу каби 14 та ёрдамчи хонадан иборат.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 150 МЛН. СЎМ-КУПОН

8. «БУЛОҚБОШИ ОҚШОМИ» РЕСТОРАНИ



Булоқбоши тумани марказида салобат тўкиб турган тамаддихона биноси миллий услубда қурилган, замонавий электр асбоблари билан жиҳозланган бино майдони 915 квадрат метр, 200 квадрат метрдан иборат ҳовлиси бор. Атрофи турли мевали ва манзарали дарахтлар билан ўралган.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 110 МЛН. СЎМ-КУПОН

9. ЧОЙХОНА КОМПЛЕКСИ



Балиқчи тумани «Олимбек» жамоа хўжалиги марказида жойлашган бу объект икки қаватли, унда ёзги кинотеатр, аттракцион ўйинғоҳ ва 1,5 гектарли боғ ҳам мавжуд.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 40 МЛН. СЎМ-КУПОН

10. «БАЛИҚЧИ ТОНГИ» ЧОЙХОНАСИ

Балиқчи тумани марказида жойлашган бу объект туман умумий овқатланиш ҳиссадорлик жамиятига қарашли. Бино икки қаватли, миллий услубда қурилган, 160 ўринли, майдони 650 квадрат метр.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 100 МЛН. СЎМ-КУПОН

11. «ЧИНОБОД» РЕСТОРАНИ



Балиқчи тумани Чинобод поселкаси марказидаги бу ресторан пишиқ ғиштдан замонавий услубда қурилган, икки қаватли, 140 ўринга мўлжалланган. Зарур электр асбоблари билан жиҳозланган, майдони 370 квадрат метр.

ДАСТЛАБКИ БАҲОСИ — 68 МЛН. СЎМ-КУПОН

ШУНИНГДЕК, 4 ТА КВАРТИРА

Андижон шаҳрининг Бўстон даҳасидаги 56 хонадонли бинода жойлашган бу замонавий квартиралар аҳоли учун жуда қулай.

1-қаватдаги 1 хонали 1-квартирани дастлабки баҳоси — 25 млн. сўм-купон.

4-қаватдаги 2 хонали 12-квартирани дастлабки баҳоси — 25,4 млн. сўм-купон.

4-қаватдаги 2 хонали 12-квартирани дастлабки баҳоси — 35,0 млн. сўм-купон.

3-қаватдаги 3 хонали 18-квартирани дастлабки баҳоси — 43,8 млн. сўм-купон.

ТОШКЕНТ-1994

Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари

23-27 май

• Йилларга татигулик кунлар

ДИЛ ДИЛДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Жанубий Қозоғистон (Шимкент) вилояти билан Тошкент вилояти ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий ҳамкорлик илдизлари тобора чуқурлашиб бормоқда. Айтайлик, илмий муассасалар, конструкторлик бюролари, турдош корхоналар ўртасида, тиббиёт, халқ таълими, нашриёт, маданият соҳаларида амалга оширилаётган юмушлар ҳар икки томонга ҳам фақат наф келтираётир. Икки республика Президентлари томонидан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва ягона иқтисодий ҳудуд барпо этиш юзасидан имзоланган шартномалар иккала қардош халқ ўзаро дўстлигини, алоқаларини тағин ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилаётир.

Жанубий Қозоғистон делегациясининг Тошкент вилоятига ташрифи ҳар сафаргидек икки вилоят халқи дўстлиги, ҳамкорлиги, қон-қардошлигининг яққол намойишига айланиши шубҳасиз. Тошкент тумани билан Сариоғоч, Янгийўл билан Келес, Зангиота билан Киров, Келес туманлари ўртасидаги турли жабҳалардаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Юқоридаги туманлар вилоятимизга гўшт ва гўшт маҳсулотлари, дон-дун, чорва моллари озуқаси ва ҳоказоларни етказиб бераётган бўлса, ўз навбатида Тошкент вилояти қардошларимизга мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, минерал ўғитлар жўнатмоқда. Айниқса, Тошкент ва Сариоғоч туманлари бир-бирларига ёндош, қондош. Ушбу туманнинг юзлаб меҳнаткашлари республикамиз пойтахти саноат корхоналарида ишлашади. «Тошкент», Тўлабий (собиқ «Ленинград») хўжаликлари далаларида меҳнат қилишади. Бу ерда қозоқлар ўзбеклар билан жон қўшни, қудаанда бўлиб кетишган. Қозоқ хонадонида тўй бўлса ўзбекча қўшиқ, мусиқа эшитасиз ёки аксинча. Дастурхон ўртада, фикр ўртада, мақсад ўртада. Дил дилдан қувват олади.

Абай номли ўрта мактабнинг 60 фоиз ўқувчисини ҳам қозоқ ёшлари ташкил этади. 27-мактабга эса 1941—1945 йиллардаги урушда жасорат кўрсатган гвардиячи-капитан Утей Кулибаев номи берилган. Юқорида айтганимиздек нафақат дастурхонимиз, балки бозорларимиз ҳам ўртада. «Шўро», «Кўктерак», «Ғиштқўприк», «Янгийўл», «Қоплонбек» ва бошқа бозорлар дўстларимизсиз қимматроқ, бефайз, бегавжум. Аслида бу бозорлар икки халқ ўртасидаги таниш-билишликка, меҳр-оқибатга, мурувват, инсоф-баракага, қолаверса тўкинчиликка асос соладиган маскан вазифасини ҳам ўтаяпти. Чегаралардаги божхона тўсиқлари олиб ташланганлиги ўзаро манфаатларга жуда мос тушди.

Сайрам туманида аҳолининг ярмидан кўпи ўзбек миллатига мансуб бўлгани сабабли кўпчилик мактабларда шу тилда дарслар ўтиляпти.

Келаси ҳафтадаги ташриф ҳам аввалгиларининг мантиқий давоми бўлади. Делегация таркибида қишлоқ хўжалиги, саноат, маданият, санъат намоёндалари, турли ансамблар, ишбилармон-тадбиркорлар, туман, ташкилот, хўжаликлар, вазирлик раҳбарлари бор.

— Вилоятимз билан Жанубий Қозоғистон ўртасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан имзоланган шартномалар халқларимизнинг эзгу тилакларини ифодалайдиган ҳужжатдир,— дейди Тошкент вилояти ҳокими Мирзамурод Икромов,— беистисно айтиш мумкинки, ҳамма соҳада амалий ишлар қилинмоқда. Биргина Шимкент шаҳридаги Тошкент вилояти савдо уйида 300 миллион сўмликдан ортиқ турли маҳсулотлар савдоси уюштирилгани қувонарлидир. Дўст — оғир кунда билинади, дейди халқимиз. Яқинда Жанубий Қозоғистон меҳнаткашлари қаттиқ ёғингарчиликдан зарар кўрган шаҳар, туман ва хўжаликларимизга катта миқдорда хайрия ёрдамларини юбордилар. Бундай беғараз кўмакдан бошимиз осмонга етди. Ўйлайманки, дини, удумлари, дили, ўйи бир бўлган икки халқ ўртасидаги дўстликнинг илдизлари янада чуқурлашиб, мустаҳкамланаверади.

Ҳақ гап. Шу боис, азиз меҳмонларимиз ҳар галгидек меҳр-муҳаббат қуршовида кутиб олинади. Пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари кўрсатилади. Тошкент, Зангиота, Қибрай, Юқори Чирчиқ ва бошқа туман, шаҳарларда улар билан меҳнат жамоалари ўртасида қизғин, самимий учрашувлар, дилдан суҳбатлар бўлиб ўтади. Маданият саройларида ҳар икки вилоят санъаткорлари иштирокида ажойиб концертлар уюштирилади. Хўжаликлар, саноат, илмий муассасаларда қизғин фикр алмашувлар бўлади. Буюк бобомиз Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйилади. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати меҳнат муваффақиятлари билан танишилади.

Хуллас, вилоятнинг ҳамма жойида қозоқ биродарларимизнинг ўз туғишганларидек кутиб олинишига, зотан, энг яхши мулоқотлардан вужудга келган дўстлик кўпригидан кейин ҳам мустаҳкамланаверишига шубҳа йўқ.

Абдунаби МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратда: республикамиз пойтахтида Жанубий Қозоғистон вилояти билан Тошкент вилояти ўртасида ўзаро ҳамкорлик юзасидан шартнома имзоланаётган пайт.

Сураткаш Даврон Аҳмад.

• Қурбон ҳайити арафасида

ҲОЖИЛАР — ХАЛҚИМИЗ ЮЗИ

Мусулмонларнинг улуғ айём кунлари арафасида турибмиз. Бир гуруҳ юртдошларимиз эса айни дамларда муборак ҳаж сафарида юрибдилар. Дунёнинг турли бурчидан оқ танлими, буғдой рангми, ҳабашми, ният қилиб, имкон топган мусулмон борки, шу кунларда Маккага йиғилган. Уларнинг орасида бизнинг ватандошларимиз мустақил Ўзбекистонимиз юзини кўрсатувчи вакиллар ҳисобланишади. Демак, ахлоқ жиҳатдан ҳам, одоб жиҳатдан ҳам катта масъулиятни ҳис қилган одамлар бўлиши керак.

Шу борада фикрлашмоқ учун Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом олий маҳадининг ректори Зоҳидхон ҳожи ОТАХОН ўғлига мурожаат қилдик.

— Аузу Биллоҳир Мин аш-шайтонир Ражим, Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим! Дарҳақиқат, мана ҳозир уч мингга яқин бўлғуси ҳожиларимиз диёримиздан Маккан Мунавварага бориб, ҳаж амалларини бажариб юрибдилар.

Ҳаж Исломнинг беш асосидан бир рукни бўлиб, ниҳоятда улуғ ибодатлардан ҳисобланади. Ният қилганлар мана шу Қурбон ҳайитида ўша erда бўлмоқликлари шарт. Ўшандагина ҳақиқий ҳаж бўлади. Бошқа вақтда борганлар эса умра, яъни кичик ҳажни бажарган ҳисобланишади. Энди, бу ҳажнинг ҳам ўзига яраша шарт-шароит ва талаблари бор. Бу ҳақда Қуръонда ҳам айтиб қўйилибди. Яъни, Аллоҳ учун ҳаж қилишликни қурби етган одамларгагина фарз қилинган. Қудрати етмоқлик икки томонлама бўлади:

1) соғлиғи кўтара оладиган, safaр машаққатларига чидам берадиган сиҳати бўлиши керак;

2) моддий жиҳатдан имконияти етарли бўлиши керак. Моддий имконият деганда оиласида, қарамоғида бўлган одамларнинг ҳамма харажатидан ортиқча маблағи бор одамларгагина умрида бир марта ўша муқаддас жойларга бориб келишлик фарз қилинган.

Диёримиз мустақилликка эришиб, ҳажга бориб келишга йўллар бемалол бўлгач, кўпчилик ҳавасга бормоқликка ишқибоз чиқишяпти. Бу—тўғри эмас. Чунки, ибодатнинг шарти кўтарсагина шу амалларни бажаришга киришиш керак. Аммо ўзи миниб турган машинасини, ўзигами, бола-чақасигами керакли бўлган нарсаларни сотиб, пул қилиб, ҳажга боришлик шариат талаб қилмайдиган ҳолатдир.

Шунингдек, ҳаж оламнинг етти иқлимидан ҳар хил тилда гапирадиган, ҳар хил рангдаги мусулмонларнинг жам бўладиган жойи бўлганидан турли урф-одат ва турли муомала учрайди. Шунинг учун ҳам маълум ахлоқ-одобга риоя этмоқликка шариат кўрсатмалар берган. Жумладан, жаноби Пайғамбаримиз: «Кимки имконият топиб ҳажга борганида ортиқча қўпол муомала қилмаса, шерикларига, ҳамроҳларига, издиҳомларда, ўша erдаги тиқилинчларда ён-веридаги ҳожиларга заҳмат етказмаса, қўпол ҳақоратомуз сўзлардан ўзини тийса, ахлоқ доирасидан чиқмай, тоат-ибодатларни бажариб келса, гўё онасидан янги туғилгандай гуноҳдан фориғ бўлади»,— деганлар.

Тан олиш керак, уч миллионга яқин одам бир вақтда бир жойга йиғилгач, ўзига яраша қийинчиликлар бўлади: самолётларга чиқиб-тушиш, Каъба атрофида тавоф қилиш ёки Мино, Арофат каби жойларга боришкелишларда, автобус масалаларида ўзига яраша машақатлар бор. Ана шундай кезда биродарларига хушмуомаласини аямай, сабр-бардошли бўлмоғи лозим. Хусусан, эҳромга кирганда айниқса, нохуш манзаралардан ўзини тўхтатиши керак. Эҳром дегани кўпчиликка тушунарли бўлиб қолди, эркаклар иккита катта матога ўралиб, ибодат қилишади. Бу мўътабар либосда инсон ўзи қийналиб, машаққат билан йиғаётган савобини камайтириб қўйгулик ножўя ҳаракатлардан ўзини сақлаши лозим.

— Тақсир, аввало саломатлиги кўтарса, сўнг моддий имконияти бўлсагина ҳаж қилиши керак экан, моддий давлат масаласи турфа одамларда турлича ҳал этилган-ку? Аксари инсонлар ҳалол пешона тер эвазига бойлик тўпласа, айрим кимсалар қилган гуноҳларимни бир ювиб келарканман-да, дегандек турли қинғир йўллар билан топилган пулларининг бир қисмини ҳаж сафари учун ажратишади. Уларнинг ибодати қандай қабул бўларкин?

— Шариат нафақат ҳаждa, балки бошқа ибодатларда ҳам фақат ҳалол меҳнати, заҳмати билан топган нарсасини қабул қилиниши ҳақида таъкидлайди. У ҳоҳ Оллоҳ йўлидаги ҳайру эҳсон бўлсин, ҳоҳ у закот бўлсин, ё бошқа амаллар бўлсин, Оллоҳ фақатгина ҳалолини қабул қилади. Пайғамбаримиз «Оллоҳ ўзи пок. Шунинг учун ҳам фақат покиза ибодатни қабул қилади»,— деганлар. Демак, бировдан босиб олган, ўғирланган, порага олинган, ношаръий йўллар билан тўпланган маблағ бўлса, бундай ҳаждан одам ўзини ҳожи бўлдим деб ҳисоблаб юрса-да, Оллоҳ қабулига ўтмаган саналади.

— Одам ўз айбини билса, ёрилиб ўлади, деган гап бор. Шундай экан, ҳар ким ҳам ўз топганини ўзига ҳалол деб юради. Савдо йўли биланми, тижорат йўли биланми...

— Тўғри. Шариатда тижорат қайтарилган эмас. У—ҳалол. Ҳар ким ўз пешона териси билан тижорат қилади.

— Кейинги пайтларда тижоратни ҳам турлича тушунувчилар кўпайиб кетди. Бу қўшнисидан олиб, у қўшнисига сотиб ўртада икки-уч баравар фойда кўриб қолишни ҳам тижорат деб тушунишяпти. Бошқа юртларга бориб, камёб молларни келтириб, шунинг устига йўл ҳақи ва озроқ фойда тушадиган қилиб устамасини қўйиб сотиш ҳам—тижорат. Бунинг иккови ҳам ҳалолми?

— Пайғамбаримиз даврида ҳам жаҳонгашталик қилиб, ўзининг юртида бўлмаган нарсаларни келтириб, савдо қилинган. Масалан, Пайғамбаримизнинг ўзлари ҳам болалик чоғлари, ёшлик даврларида амакилари билан Шомга, амакилари билан карвонга қўшилиб бориб-келиб, нарса келтириб сотишгани ҳақида айтилади. Юртма-юрт кезиб иш юритиш бу ҳақиқий тижорат. Афсуски, ҳозирги пайтда айрим одамлар чайқовчиликнинг номини тижорат сўзи билан ёшириша ўтиб олишяпти.

— Ҳажга борувчилар йўл харажатларининг бир қисмини қоплар деган умидда ўша erда сотиш учун ул-бул нарсалар олишаркан. Ўша erда камёб нарсалардан олиб бориб сотса, ҳалолликка ўтадими?

— Ҳажга кетаётганда асл ниятни тижорат учун қилмаслик керак. Асл мақсад Оллоҳнинг зиммасига юклаган фарзини адо этишлик бўлиши лозим. Баъзи нарсаларни тижорат учун олиб олишга монеълик йўқ. Бироқ, тижорат ишларини эҳромдан чиққандан кейин, ўша erдаги махсус дўконларга топшириб, савдо қилса, унга шариат йўл беради. Лекин бултур бизнинг ҳамюртларимиз эҳромини ечмай туриб, самолётдан тушибоқ савдони бошлаб юборишганди. Бу жуда ҳижолатли вазиятни юзага келтирди. Оқибатда у erдаги маъмурият бизнинг одамларни чеккага жойлаштирди. Мусулмонларнинг асл мақсади ҳаж бўлиб, Оллоҳ учун ибодат бўлиши керак. Шундай экан, бу йилги ҳожиларимизга мўминлик ва ақли фаросат тилаймиз.

Музаффар УСМОНИЙ суҳбатлашди.



ҲИКМАТ—БИР ҲОВУЧ ОЛТИН

Умумиинсоний қадриятлар қаторида Марказий Осиёда етишиб чиққан алломалар, мутафаккирлар, машойихлар ва шарқшунос фузалоларнинг фалсафа, турли фанларга онд асарлари, унда баён этилган доно фикрлар, одоб ва ахлоқ мавзуларидаги ибратли ва ҳикматли сўзлар ҳам бор. Шарқшунос сифатида камина мазкур мутафаккирларнинг асарларини ўрганиб, муштарийлар учун кундалик ҳаётда зарур бўладиган ибратомуз фикрларни тўплаб, улардан баъзиларини сизларнинг эътиборингизга ҳавола этаман.

Абдурашид ҳожи ДАДАХЎЖА ўғли ДАДАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитасининг катта мутахассиси.

ДОНИШМАНДЛАР ДЕЙДИ...

Искандар Румий бир кун устоди Арастудан:

— Эй, устод, мен буюк ишларга қадам қўйдим. Бу ишларим натижасида дўстларни, душманларни ҳам топаман. Улар билан қандай муомала қилишим керак?— деб сўради.

Арасту ҳаким шундай жавоб қайтарди.

— Иложи борича ўзингга душман орттирма. Бирор киши сенга душманлик кўрсата бошласа сен унга марҳамат назари билан қара, дилнавоз бўл, шу билан у киши дўстларинг қаторидан жой олади. Дўстларингни шафқат ва марҳаматинг билан сарафроз қил, улар сендан ажралмай, самимий дўстларинг бўлиб қоладилар. Ёлғончи кишидан вафо кутма. Тўғри сўз кўнгилга аччиқ ва қаттиқ тегади. Одам яхшилик қилганга яхшилик қилади, бир яхшиликка ўн ҳисса яхшилик қайтаради. Кимнинг асли поксоғ бўлса, у одам элга манфаат етказади.

Эй мард одам! Одамийлик қил, олий ҳимматли, тавозоъли; очиқ юзли, ширин сўзли бўл.

* * *

Араб фозилларидан Асмаий айтади:

— Мен бир кун дўстимни кўрганимда бордим. Дўстим бир киши сигарлик палосни солиб ўтирган экан. Мени ҳам палосда ўтиришга таклиф қилди. Мен:

— Палос ўзингга торлик қилиб турибди, яна мени палосда ўтиришга таклиф қиласан?— деган эдим, у айтди:

— Икки душман бутун ер юзига сиғмайди, аммо икки дўст бир қарич ерга ҳам сиға олади.

* * *

Рустам Золдан:

— Сен жуда кучли, паҳлавон одамсан, чарчаш нималигини билмайсан, лекин чарчаган вақтинг ҳам бўладими?— деб сўрадилар. Рустам шундай жавоб берди:

— Нодон ва эзма киши билан суҳбатдош бўлган вақтимда жуда ҳам чарчаб, ҳолсизланиб қоламан.

* * *

Луқмон ҳаким айтади:

— Нафсинг йўлига юрма, қаноатли бўл, ўзингда бўлмаган сифатларни айтиб сени мақтаган киши сўзларига алданма. Йўлдошларинг билан низолашма, ҳеч кимни ўзингдан паст кўрма, сирингни ошкор этма, молу дунёнинга мағрур бўлма, ҳар кимга очиқ юз, ширин сўзлик билан муомала қил.

• Хотира

ЭЛИНИ ЎЙЛАГАННИ...

Турсун бобонинг тўнғич фарзанди Худойбердининг беғубор болалиги, дуркун ёшлиги тенгқурлари қатори ўзи туғилган Уйшун қишлоғида ўтди. Чироқчидаги 3-ўрта мактабни тамомлаб, 8-Март мактабида ўқитувчилик қила бошлади. Ўзининг ёшликдаги орзуси ҳам шу эди. Ўқитувчиликнинг шарафли, масъулиятли касб эканлигини англаган Худойберди Қарши Давлат педагогика институтининг химия-биология факультетида таҳсил олди ва уни муваффақиятли тамомлади. Ёшларга таълим бера бошлади. Куч, ғайратини аямади, билим ва тажрибасини узлуксиз ошириб борди. Мактабдаги таълим-тарбия ишларига доимо эътибор берди. Мактаб директори ўринбосари ва илмий бўлим мудири лавозимларида ишлади. Кейинчалик Чироқчи халқ таълими бўлими Худойбердини Уйшун қишлоғидаги 25-сакиз йиллик мактабга директор қилиб тайинлади. У дастлаб мактабда таълим-тарбия ишларини яхшилашда катта ишларни амалга оширди. Шунингдек яроқсиз ҳолга тушиб қолган мактабни қисқа муддат ичида ҳашар йўли билан янгилади. Уни бир муаммо — қишлоқда ўрта мактаб йўқлиги қийнарди. Юқори синф ўқувчилари учун Чироқчига қатнаш ниҳоятда қийин, айниқса, қиш кунлари ўқувчилар ҳафталаб мактабга бормай қолар, бу эса Худойбердини ниҳоятда ташвишлантирарди. У мактабни ўрта мактабга айлантириш учун озмунча ташвиш чекмади. Ниҳоят мақсадига эришди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан мактабнинг моддий, маънавий томони мустаҳкамланди. Ўқувчиларни дарслик ва қўлланмалар билан таъминлади ҳамда мактаб кутубхонаси ташкил этди. Ниҳоят мақсадига эришди.

Худойберди ҳақиқатгўйлиги, меҳнатсеварлиги ва элпарварлиги билан халқнинг қалбидан жой олган эди. Катталарга маслаҳатгўй, ёшларга меҳрибон устоз эди. Ёвуз ўлим уни 39 ёшида, айни куч-ғайратга тўлган вақтида орамиздан олиб кетди.

Юртимизда мустақиллик шабадаси эсаётган бугунги кунда ўзлигимизни англаш, қадриятларимизни тиклашга катта эътибор бериляпти. Ҳатто номи ўзгариб кетган қишлоқларимиз ҳам ўз номи ва атамалари билан аталяпти. Шундай экан, ўзи қурган ва меҳнати синган 63-ўрта мактабга унинг номи берилса, айни муддао бўлар эди. Зеро, элини ўйлаган, „уни эзозлаганни эли унутмайди, эслайди, дуо қилади. Эли учун меҳнат қилганлар номи эса унутилмаслиги даркор.

Санд ИСЛОМБЕК.

• СПОРТ •

• Футбол

ЁШЛАРГА УМИД БОҒЛАГАНМИЗ

ЭРТАГА ТОШКЕНТДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ОСИЁ ГУРУҲИДА САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНАДИ

Апрель ойида ўтказилган футбол бўйича халқаро Тошкент турнири ишқибозу спорт мутахассисларида яхши таассурот қолдирди. Айниқса, мазкур, мусобақани ўтказишда ташкилий ишларнинг яхши олиб борилганлиги диққатга сазовор. Май ойи ҳам спорт мусобақиларига бой. Шу кунларда мамлакатимиз пойтахти қатор йирик халқаро учрашувларга ҳозирлик кўрмоқда. Жумладан, 20-28 май кунлари Тошкентда футбол бўйича жаҳон чемпионати — Осиё биринчилиги саралаш гуруҳида қатнашувчи командалар ўзаро учрашадилар. Мухбиримиз мусобақага қандай тайёргарлик кўрилгани ҳақида республика футбол федерациясининг етакчи мутахассиси, республика тоифасидаги ҳакам Ахбор ИМОМХЎЖАЕВ билан суҳбатлашди.

— Ўн тўққиз ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё XXIX чемпионати 9-гуруҳи жамоалари учрашувининг айнан Тошкентда ўтказилиши бежиз эмас. Мустақил давлатимиз спорти жаҳонга чиқаётир. Мусобақа қатнашувчилари эса: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ёшлар терма командаларидир. Республика ташкилий қўмитаси ана шу саралаш мусобақасини ҳар томонлама кўнгилли ўтказишга пухта тараддуд кўрди.

— Мусобақанинг «Тошкент халқаро турнири»дан фарқи нимада?

— Фарқи катта. Чунки, гуруҳ ғолиби сентябрда Индонезиянинг Жакарта шаҳрига боради. У ерда тўққиз гуруҳнинг ҳар биридан сараланган кучли жамоа ва майдон эгаси — Индонезия футболчилари ўртасида финалга чиқиш баҳслари бўлади. Фахрли уч ўринни эгаллаган командалар 1995 йил Нигерияда ўтадиган ёшлар жаҳон чемпионати ўйинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан бу галги футбол байрами янада юқори савияда ўтиши керак.

— Мамлакатимиз ёшлар миллий терма командаси таркиби ҳақидаги фикрингиз?

— Ўзбекистонликлар сафида қатор умидли ёшлар бор. Лекин етакчи футболчиларимиздан Аваз Ҳошимов («Пахтакор») ва Тоҳир Мадраҳимов (МҲСК)лар оғир жароҳат олганликлари туфайли бу учрашувларда қатнаша олмайдилар. Шунга қарамай, Маъруфжон Пўлатов («Бахт» Тўрақўрғон), Сойипжон Аҳмедов («Чилонзор» Тошкент), Вадим Бойчук («Сурхон» Термиз), Маҳмуд Тўрахўжаев («Нурафшон», Бухоро), Жаҳонгир Розиқулов (Политотдел, Тошкент вилояти)лардан чиройли ўйинлар кутса бўлади.

— Саралаш ўйинларига кимлар ҳакамлик қилади?

— Ҳар бир республикадан иккитадан ҳакам келади. Хориждан ҳам меҳмонлар ташриф буюради. Қувайтлик Эсса Ал-Жасас, Саудия Арабистонидан Умар ал-Механналар ҳам Тошкент саралаш мусобақаларига ҳакамлик қиладилар. Барча терма командалар «Қибрай» спорт базасига жойлаштирилади. Ҳакамлар, меҳмонлар ҳамда матбуот маркази «Ўзбекистон» меҳмонхонасида бўлади.

— Харажатни кимлар кўтаряпти?

— Ташкилий қўмита. Бундан ташқари пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани қозоғистонликларни, Сергели тумани қирғизистонликларни, Ҳамза тумани туркманистонликларни, Юнусобод тумани тожикистонликларни, Яккасарой тумани ўзбекистонлик ёшлар футбол терма командаларини оталиққа олишди.

— Совринлар ҳам бўлса керак?...

— Албатта. Йигирмадан ортиқ турли хилдаги совринни эсдаликлар тайёрланган. Улар энг кучли жамоа, энг яхши футболчи, энг кўп тўп урган футболчиларга берилади.

— Учрашувлар қайси стадионларда ўтказилади?

— «Пахтакор» ва Марказий ҳарбий спорт клуби стадионларида. Тантанали очилиш «Пахтакор» ўйингоҳида бўлади.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УЧРАШУВЛАР ТАРТИБИ

20 май Ўзбекистон — Қирғизистон, Қозоғистон — Туркманистон.

22 май. Туркманистон — Тожикистон, Ўзбекистон — Қозоғистон.

24 май. Туркманистон — Қирғизистон, Қозоғистон — Тожикистон.

26 май. Ўзбекистон — Туркманистон, Тожикистон — Қирғизистон.

28 май. Қозоғистон — Қирғизистон, Ўзбекистон — Тожикистон.

ҚУТЛОВЛАР

Азиз ва меҳрибон отамиз **Содиқжон МИРФАЙЗИЕВни** ва волидаи муҳтарамамиз **Мавжуда МИРФАЙЗИЕВА**ни таваллуд топган кунлари муносабати билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Ҳамиша кексалик гаштини суриб юринглар. Илоҳим баҳтимизга доимо соғ-саломат бўлинглар.

Фарзандларингиз, келинларингиз ва невараларингиз.

Ҳурматли устозимиз **Холмурод СУВОНОВ!**

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан муборакбод этамиз! 40 йиллик меҳнат фаолиятингиз мобайнида ёш авлодга таълим-тарбия бердингиз, кўплаб иқтидорли шогирдлар етиштирдингиз. Кўп йиллар 12-мактаб касаба уюшмаси қўмитаси раиси сифатида ҳалол ва виждонан меҳнат қилдингиз. Биз сиздек устоз билан ҳамиша фахрланамиз.

Эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Доимо соғ-омон бўлинг!

Самарқанд вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Нарпай туман қўмитаси ва 12-мактаб жамоаси.

Азиз ва меҳрибон онажонимиз **Дилбар ЭШМАТОВА!**

Қутлуғ 50 ёшингиз муборак бўлсин!

Умрингизнинг ширин дамлари биз фарзандларингиз билан осуда кечсин. Бизни оқ ювиб, оқ тараган қўлларингиз ҳечам дард кўрмасин. Баҳтимизга доим омон бўлинг, Онажон!

Ҳурмат билан фарзандларингиз **Ғайрат, Равшан, Рустам, Фарҳод, Комил, Эркин, Дилбар,** келинларингиз ва набираларингиз.

ХАРЧИНОМА

Apple Macintosh компьютерлари барча имкониятларга бой



Бугун Apple компанияси сизларга бир қатор компьютер турларини арзонлаштирилган нархларда таклиф этмоқда. Сизнинг эътиборингизга Macintosh LCIII- кичик ва ўрта ҳил корхоналар учун энг мос компьютерни намойиш этамиз. Ушбу компьютер қуйидаги имкониятларга бой: Оператив хотираси миқдори - 4 Мб; қаттиқ диск миқдори - 80 Мб; дисплей- 14" SVGA; Ўзбек, рус, араб, турк ва бошқа тиллардаги операцион тизимга эга. Apple ишлаб чиқарадиган 1.44 Мб миқдорли Супер-Драйв Сизга MS-DOS, OS/2 ва барча бошқа тизимларда яратилган хужжатларни ўқишга имконият беради. Макинтош компьютерлари ички LocalTalk алоқа тизимларига эга, демак бир неча компьютерлар орасида алоқа тузиш учун Сиз ушбу Макинтош компьютерларни ўзаро улашингиз керак, ҳалос. Дарҳақиқат, Макинтош компьютерларининг имкониятлари чексиздир!

Нархи эса атиги : $1295

Телефон: 32-38-68
ABSYS- Apple Computer, Inc.
компаниясининг Марказий Осиёдаги
расмий дистрибьютори.

ABSYS
Apple Authorized IMC

© 1994 Apple Computer, Inc. All Rights Reserved. Apple and the Apple logo are registered trademarks of Apple Computer, Inc.

«ЎЗБЕКТУРИЗМ» МИЛЛИЙ КОМПАНИЯСИ ЧОРЛАЙДИ

Юрган дарё, юз бор эшитгандан, бир бор кўрган яхши. Ҳа, халқ ибораси билан айтганда кўрган қолади. Кунлар исиб, туризм ва саёҳатсеварлар учун қулай мавсум бошланмоқда. «Ўзбекмахсустур» Республика ташқи иқтисодий ишлаб чиқариш бирлашмаси жаҳоннинг турли мамлакатларига ҳамда диёримизнинг сўлим масканларига саёҳатлар уюштириб, одамлар ҳожатини чиқаришга шай бўлиб турибди.

Бахрайн Қироллигида бир ҳафта мобайнида тўрт юлдузли меҳмонхоналарда ором олиб, денгиз бўйларида сайр қилиб, кўнгилочар ўйинларда иштирок этиб, ҳордик чиқаришга нима етсин. Бу саёҳатни Исроил орқали Миср бўйлаб давом этиши кўпчиликка маъқул келса керак. Балки Англия ва Германияда (машина олиш ҳуқуқи билан), Болгариянинг Олтин соҳилларида, Чехословакиянинг «Карлови вари»сида ҳамда Исроил, Малайзия, Бирлашган Араб Амирлиги, Тайланд, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Сурия ва Хитойга боришни ихтиёр этарсиз.

Шунингдек, бирлашма футбол мухлисларига шу йилнинг июнь ойида бошланадиган жаҳон чемпионатига бориш учун ҳам шароит яратишга тайёрдир.

Бундан ташқари мамлакатимизнинг қадимий ва навқирон Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳат қилиш, энг арзон нархларда тоғлар қўйнида 2, 3, 5 ва 10 кунлик дам олишлар ҳам ташкил этилади. Хоҳлаган киши Чимёнга бир кунлик автобус сафарига бориши мумкин. Бир сўз билан айтганда «Ўзбекмахсустур» хизматингизга тайёр.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 115-уй (М. Горький метро бекати, «Саёҳат» меҳмонхонаси ортида), 2-қават, 40, 24, 28-хоналар.

ТЕЛЕФОНЛАР: 68-67-71, 68-67-83, 68-67-95.
ФАКС: 68-67-83.

«МАДАНИЯТ»

ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САВДО-МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Тошкентдаги омбордан:
Урал мотоцикллари,
олий навли Хитой кўк чойи,
чет эл ароқлари,
«Стиморол» сақичлари,
турли газламалар ва бошқа халқ истеъмоли моллларини

СОТАДИ

Мурожаат учун телефонлар: 45-57-68, 45-85-56, 45-49-52.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1.

●

Параболик антена
СОТИЛАДИ
Тел: 34-16-23.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан пул ўтказиш йўли билан сўм-купонларга қуйидаги ускуналарни

СОТАДИ:

1. Японияниг «ТОШИБА» фирмасида ишлаб чиқарилган минутига 750 дан 3 мингтагача айланувчи, 2,2 КВТдан 55 КВТ гача қувватли 3 фазали асинхрон электродвигателлар.
2. ЭЦВ-6 маркали чуқурликда ёки сув остида ишлайдиган насослар.
3. 2К6-20/30 консол насослари.
4. ВР 8/2,2 компрессорлари.

СОТИБ ОЛАМИЗ:

Эмал симлар; ғалтакли мис; алюминий.
ТЕЛЕФОНЛАР: 45-75-67, 45-75-58.
ФАКС: 45-75-23.

ТАШКИЛОТ

Тошкент шаҳридаги омбордан пул ўтказиш йўли билан сўм-купонларга қуйидаги ускуналарни

СОТАДИ:

1. Қатиқ, сузма, қуюқлаштирилган сут, томат, пастаси, шунингдек қуюлтирилган сутларни ишлаб чиқариш бўйича ачитиш қурилмалари.
2. 40 т. с. кучланишли ОКС 1671 М гидропресслари.
3. А9-КЧЭ мева ажратиш машиналари.
4. Труба қайириш дастгоҳлари.

СОТИБ ОЛАМИЗ:

Электродлар; А-25, А-35 очиқ симлар, кабель маҳсулотлари.
ТЕЛЕФОНЛАР: 45-75-67, 45-75-58.
ФАКС: 45-75-23.

«ТИМАРТ» ФИРМАСИ

Тошкентдаги омбордан пўлатли тўғри чокли

1020

қувурини

СОТАДИ

17 ГС пўлат
Девор қалинлиги 10+12 мм
Узунлиги 11—12 м
ТЕЛ. (3712) 91-02-32, 91-60-01.

«ТОҲАРИСТОН- ЧОҒОНИЁН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТИЖОРАТ ФИРМАСИ

УСКУНАЛАР (музлатиш машиналари ва камералари, қайнатиш қозонлари, гўшт, балиқ ва сабзавот қиймаларини тайёрлаш учун қийма қоришгичлар ва ванналар, қаҳва, дон, дориворлар янчиш ва майдалаш учун ярим автомат машиналар, электр суғиситгичлар, музқаймоқ тайёрлаш учун фрезерлар, колбаса ва дудлаш цехлари учун технологик ускуналар комплектлари, тикув, трикотаж, чарм-атторлик, пойабзал буюмларини безаклаш, метражли материалларни: гипюр, тикув ва каштачилик матолари тайёрлаш учун ярим автоматлар)ни етказиб бериш ва қуйидаги корхоналарни тегирмон ускуналари, кичик тегирмонлар, дон сақловчи омборлар ва қуритгичлар, нон заводлари, кичик сут заводлари, кичик новвойхоналар, чучвара, макаронлар, сут порошоклари, ярим қаттиқ пишлоқлар, казеин, болалар таомлари тайёрловчи линиялар, мевалар ва сабзавотлар консервалаш ва қуритиш, виноларни шишаларга қуйиш, ПВХ идишлари: цемент учун нарли қоплар, цементни қоғоз қопларга жойлаштириш, эски автомобил шиналари, ёғоч чиқиндисини қайта ишлаш, брикетлар тайёрлаш ускуналари, такомиллаштирилган ёғ ва қаймоқ ажратгич, кичик сариёғ цехлари, қушхона (кичик қушхона) гўшт комбинати, парранда гўшти ва тухум олишнинг яхлит цикли, ўсимлик мойи, шакар, конфет, пиво, спирт, ДСП плиталари, ғишт, аралаш озуқа, мих, ишлаб чиқариш бўйича заводлар, кўйлак ва майка, трикотаж матоси, пахта ипи, қадоқловчи ойна, мол терисини қайта ишлаш бўйича комбинатлар ва фабрикалар ҳамда микрогидроэлектростанция (кичик ГЭС) ва кислород ҳосил қилувчи станцияларни қуриб, тайёр ҳолда топшириш кафолатлайди.**

Валюта ёки қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Тошкентдаги алоқа телефони: (3712) 33-60-30, Факс: 44-29-97.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ректорати ва институт жамоаси «Ҳисоблаш математикаси ва математик моделлаштириш» кафедраси ассистенти У. Йўлдошевага онаси **Умринисо МУТАЛОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат маданият институти жамоаси Кутубхонашунослик кафедрасининг катта ўқитувчиси Норбек Усановга онаси **Мингул Норқора қизи УСАНОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси олмон тили грамматика кафедрасининг катта ўқитувчиси Ойша Абдуллаевага онаси **Манзура ҲАСАНОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими—33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;	Нукусда — 7-58-83;
Бухорода — 3-96-12;	Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22;	Қумқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-46-24;	Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76;	Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43;	Фарғонада — 6-3716.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 22.00.
Г — 939 тир. 85501.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, А. ПЎЛАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.